Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

15 4-йил чиқиши
ИЮЛЬ, 1969 й.
СЕШАНБА
№ 164 (928).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ



Чирчиқ шаҳридаги ўта чидамли ва қаттиқ қотишмалар комбинати республикамизнинг нешқадам корхоналаридан бири ҳисобланади. Бу ерда сўнгги вақтларда кўпгина янги участкалар ишга тушди.

СУРАТДА: ана шундай янги участкалардан бирида. И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

ЛЕНИН НОМЛИ ХИЁБОНДА

Шаҳримиз марказининг Ленин, Ўзбекистон ва Самарқанд кўчалари ўртасидаги катта «майдон» атрофига тахта девор тикланиб, бўёқлар устида «В. И. Ленин номли хиёбон қурилиши» деган сўзлар пайдо бўлди. У ерда 11-«Висотстрой» трестининг 69-қурилиш бошқармаси коллективи иш бошлаб юборди.

Бугун

ер текислаш ва устахоналарни қуришга киришилди. Доҳиймиз Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги арафасида тайёр бўладиган бу хиёбонда тўртта боғ — ўзбек, рус, япон ва француз боғи қурилади. У боғларда меҳнаткашлар ишдан сўнг мириқиб дам олишади, гулзорларни сайр этиб, бири биридан ғўзал фонтанлар атрофида соф ҳаводан нафас олишади.

◆ ҚИШЛОҚ — ШАҲАРГА

СУРЪАТ ОШМОҚДА

Оржоникидзе район маҳсулот тайёрлаш идорасига қарашли пунктлардан ҳар куни кўплаб сабзавот ва мева маҳсулотлари шаҳарларга юборилиб турилибди. Пунктлар ярим йиллик топшириқни 177 процентга етказиб адо этишди. 1544 ўрнига 2740 тонна сабзавот ва мева маҳсулотлари аҳолига жўнатилди.

Бугун

«Қизил Ўзбекистон» ва Ленин номли колхоз аъзоларн салкам 100 тонна ёз нозунеъматини шаҳар колхози бозорларига жўнатишди.

Шунингдек район маҳсулот тайёрлаш идораси Ленинград, Новосибирск, Свердловск шаҳарлари аҳолиси учун 300 тонна янги олма ҳосили жўнатди.

◆ Бир корхона хушхабарлари

ОРТИҒИ БИЛАН

Пойтахтимиздаги 3-ун заводи ишлаб чиқариш ва моддий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтганидан буён ойлик, квартал, йиллик планлар муддатидан илгари шараф билан бажарилмоқда.

Шу йилги ярим йиллик план ҳам ортиғи билан 112 процент бажарилди. Пландан ташқари 322900 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Планни бажаришда корхонанинг илғор, меҳнатсевар ишчиларидан М. Худойбердиев, И. Тожимирзаев, Т. Саутов, А. Каткова, Г. Кандауров, В. Юраев каби азаматлар бошқаларга намуна бўлишди.

ИХТИРОЧИЛАР УЛУШИ

Корхона ихтирочилари янги-янги қимматли таклифларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳақида изланмоқдалар.

Илғор рационализаторлардан Ў. Ибатбеков ва В. Ларионнинг таклифи бўйича қурилган унни қопсиз сақлайдиган бункерлар корхонага яхши даромад келтирмоқда. Бир йилда шу бункерлар орқали ўнбир минг тонна ун қопсиз, махсус ун ташувчи машинада жўнатилиб 26,5 минг сўм соф иқтисод қилинди.

БЕПУЛ ПУТЁВКА

Корхона касаба союзи ташкилоти ва маъмурияти ишчи, хизматчилар ва уларнинг фарзандлари ҳақида доимо ғамхўрлик қилиб келмоқда. Корхонада 25 йилдан бери ишлаб келаётган Мадиёр Сотибалдиев бепул путёвка билан санаторийда дам олиб қайтди.

Илғор ишчи ва хизматчилардан 24 кишига дам олиш уйларида хордиқ чиқаришга йўлланмалар тарқатилди. Корхона аҳлининг фарзандлари Оҳангарондаги «Голубая горка» пионер лагерида мириқиб дам олишмоқда.

А. ҲОЖИХОНОВ, ишчи-мухбир.

БУГУН—КИРОВ РАЙОНИДА

Бутун дунё жамоатчилиги ва мамлакатимиз халқлари жаҳон пролетариатининг доҳийси В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллик муборак тўйини муносиб кутиб олиш учун меҳнатда, ўқишда янги-янги муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар.

Пойтахтнинг Киров райони меҳнаткашлари ҳам бу шонли санага ўз меҳнат армуғонлари билан боради.

Қуйида берилаётган материаллярда район аҳлининг меҳнат ютуқлари, муваффақиятлари ҳақида ҳикоя қилинади.

ЛЕНИН МУЗЕЙИ ҚУРИЛИШИДА

11-«Висотстрой» трестининг 69-қурилиш бошқармаси азаматлари В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкентдаги филиалини завқ-шавқ билан қуришяпти. Улар бинонинг тўрт қаватини қуриб битказишди. Шу кунларда музейнинг қаватларидаги заллар ва хоналар ўртасида тўсиқлар ўрнатилмоқда.

— Бу ерда, — дейди 1-участка бошлиғи К. Маҳамадиев. — 250 бинокор меҳнат қиляпти. Бошқа коллективларни ҳам ҳисобласак, бунёдкорларнинг сони 500 га етади.

Қурилиш ишлари бир меъёрда давом этмоқда. Ҳар бир киши ўз ишини сидқидилдан бажаряпти. Музей қурилишига ўз ҳиссаларини қўшаётган шаҳарлар, мамлакатлар, харитасини тузсак, жуда кўп номларни ўқиймиз. Москва, Саратов каби шаҳарлардан қурилиш материаллари олинмоқда. Бу рўйхатни яна давом эгдириш мумкин.

Шу йилнинг охиригача тайёр бўладиган Марказий музейнинг филиали энг гўзал ва замонавий архитектура биноларидан бири бўлиб, шаҳримиз ҳусниға ҳусн қўшади.

ҒАЛАБА ШАРАФИГА

«Ғалаба» маданият ва истироҳат боғи меҳнаткашлар и ц и н г энг севимли жойига айланиб қолди.

Келгусида боққа кираверишда йўлагида катта қурилиш ишлари олиб борилади. Боғнинг асосий хиёбонида эса фашизм устидан қозонилган буюк ғалаба шарафига улкан ёдгорлик ўрнатилади. Шу муносабат билан Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги б ў л а ж а к ёдгорлик лойиҳаларининг конкурсини ўтказмоқда. Конкурсга тақдим қилинган кўпгина асарлар Совет Иттифоқи халқларининг дўстлиги ва қудратли Совет Армиясининг тарихий жасорати ҳақида ҳикоя қилади.

Ғалаба ёдгорлиги келгуси йилнинг бошларида очилади.



СУРАТДА: Ўзбекистон қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводида сеялкаларни йиғиш пайти.

КОНСТРУКТОРЛАР ИЗЛАНИШДА

«Компрессор» заводи ишлаб чиқараётган маҳсулотлар фақат Иттифоқимиздагина эмас, балки Осиё ва Африка мамлакатларига ҳам манзур бўляпти.

Корхона конструктор-инженерлари компрессорларни такомиллаштириш борасида тинмай изланмоқдалар. «ПР-6», «ПР-10», «ПР-16» маркали машиналар синовдан яхши ўтди. Бу машиналарнинг аввалгиларига қараганда бир қатор афзалликлари бор.

Кўчма ротацион типда ишлайдиган компрессорларни сериялаб ишлаб чиқариш, чет элга жўнатиш мўлжалланяпти.

РАЙОН ЧИРОЙИ

Бўлажак М. Горький проспектида ҳали транспорт ҳаракати бошланганича йўқ. Лекин бу ерда грейдер бульдозер, скрейперлар жадаллик билан ишлаяпти, проспект майдонлари бунёд этилмоқда.

Келгуси йили фойдаланишга топшириладиган бу проспект чиндан ҳам Киров районининг энг чиройли кўчаларидан бири бўлиб қолади. Проспектнинг қурилиш ва ободонлаштириш ишларини шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармасининг қурилиш трестлари олиб бормоқда.

Проспектнинг ўрта қисми гулзорга айлантирилади.

ПЛАН—5 ДЕКАБРГАЧА

«Ўрток» кондитер фабрикасининг Мутал Алиев бошлиқ қандолатчилари ўз топшириқларини ҳар доим ортиғи билан адо этиб, кўлчилик ҳурматига сазовор бўляпти.

Ярим йилликда 85 миллион 3 минг сўмлик маҳсулот ўрнига 85 миллион 827 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Район корхоналарининг ишчилари ғайратга ғайрат қўшиб, йиллик планни 5 декабрь — СССР Конституцияси кунигача бажариш учун ҳаракат қилишяпти.

25 та КЎП ҚАВАТЛИ УЙ

Шу йилнинг ўзидаёқ райондаги юзлаб оилалар уй тўйларини ўтказишди. Йил охиригача яна мингга яқин оилага замонавий уйларга кўчиб кириш учун ордерлар берилади.

Қардош Россия Федерациясининг бунёдкорлари районда 25 та кўп қаватли уй қўрмоқдалар. Уларнинг бир нечаси шу йилнинг ўзидаёқ фойдаланишга топширилади.

9 қаватли кўркам бинолар чиндан ҳам «Марказ-4» ва «Марказ-5», кварталларининг ҳусниға-ҳусн қўшмоқда. Ҳозир шу кварталлардаги уйларда пардозлаш ва жиҳозлаш ишлари ниҳояси га етай деб қолди.

БОЛГАРИЯ АРМУҒОНИ

Қардош мамлакат шу кунларда Тошкент ўқувчиларига совға сифатида улкан мактаб комплексини қўяяпти. 1060 болага мўлжалланган мактаб қурилиши жадал давом этмоқда.

Болгария Халқ Республикасининг Тошкентдаги қурилиш вакили Коста Костов мухбиримизга бундай деди:

— Қурилишни баҳорда бошлаган эдик. Ҳозир ишлар чакки эмас. Асосий корпусларнинг пойдеворини қўлдан чиқардик. Ҳозир мактаб деворлари тез суръатлар билан юксаляпти.

Бу ерда 45 азамат завқли меҳнат қилмоқда. Биз мактабни келгуси ўқув йилигача, албатта тайёр қиламиз.



Қардош Россия Федерациясининг Куйбишев, Уфа, Новосибирск, Пенза қурилиш-монтаж поездлари бунёд этган «Марказ-5» квартали район чиройини очиб юборди.

СУРАТДА: ана шу янги кварталнинг умумий манзараси.

ХАЛҚАРО КЕНГАШГА БАҒИШЛАНДИ

Куни-кеча «Главташкентстрой»нинг 3-қурилиш трестида Ватанимиз пойтахти Москвада бўлиб ўтган коммунистик ва ишчи партияларнинг халқаро Кенгаши ҳужжатларига бағишланган йиғилиши бўлди. Унда тарғиботчи А. М. Дрездин лекция ўқиди ва кўпгина саволларга батафсил жавоб қайтарди.

Улкан кран

Бугун

В. И. Ленин номли майдонда қурилаётган 19 қаватли маъмурий бинонинг қадди тобора баландроқ кўтарилмоқда. Мавжуд кранлар баланд қаватларга қурилиш материалларини беришда «қўли» калталик қилиб қолмоқда. Шу муносабат билан баландроқ кран ўрнатиш зарур бўлиб қолди.

Комсомольск-Амур шаҳридан «БК-300» маркали янги кран келтирилди. Улкан кранниг минорали стрелкаси баланд иморатнинг барча қаватларига зарур бўлган қурилиш материалларини узатиб беради.

Кранни монтаж қилиш 2-қурилиш механизацияси трестининг 8-механизация бошқармаси коллективига топширилган. Бу ҳақда бошқарма бош инженери Давид Рубенштейн қуйидагиларни хабар қилди.

инженер Файзи Асанов раҳбарлигидаги бир группа мутахассислар кранниг асосий қисмини монтаж қилишга киришишди. Стрелка ва бошқа жорий қисмлар Харьков заводидан эртаиндин олинади. Янги кран ишга тушиши билан қурилиш-монтаж ишлари тезлашиб кетади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

С. Ф. СОКОЛОВАГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика матбуотида узоқ йиллар ва самарали ишлаганлиги, уни ривожлантиришдаги хизматлари учун «Правда Востока» газетаси редакторининг ўринбосари Софья Федоровна Соколовага «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1969 йил, 14 июль, Тошкент шаҳри.

КИМ БЎЛСАМ ЭКАН?

Фрунзе районидаги махсус техника билим юрти ўқувчилари Киров номли маданият ва истироҳат боғида ана шу мавзуга бағишланган кеча ўтказдилар. Кечага райондаги 10-синфни битириб, етуклик аттестати олган ёшлар таклиф қилинди.

5, 11, 30-махсус техника билим юртининг ўқувчилари ўзлари ишлаётган буюмлардан кўргазма ташкил қилдилар. 30-махсус техника билим юртининг ўқувчилари эса кеча қатнашчиларини ўзлари тайёрлаган таомлар билан мехмон қилдилар.

Махсус техника билим юрти бадиий ҳаваскорлари коллективи кеча қатнашчиларига катта концерт қўйиб берди.

Етуклик аттестати олган кўпгина ёшлар махсус техника билим юртларига келиб, ҳунар ўрганишга аҳд қилишди.

ЯНГИ КЎПРИК

Энгельс кўчасида қурилган янги кўприк шоферларнинг жонига оро кирди. Транспорт қатнови учун қулайлик яратилди. Бакувват темир-бетон конструкциялар асосида бунёд этилган кўприкнинг эни 40, узунлиги 200 метрча.

«Гордормостострой» трести коллективи бунёд қилган бу улкан иншоот атрофини кўкаламзорлаштириш ишларини район коммунал хўжалик бўлими ўз зиммасига олди. Қисқа вақт ичида кўприк атрофидаги 3 гектарча майдонга дарахтлар ўтқазилиб, гуллар экилади. Кўприк атрофи кишиларнинг яхшигина сайргоҳига айланади.

Маҳаллада кеча

Чилонзор районидаги «Янгиобод» маҳалласида «Жамоат тартибини сақлаш—умумхалқ иши» деган мавзуда кеча бўлиб ўтди. Район ички ишлар бўлимининг бошлиғи Т. Рўзиқулов кеча қатнашчиларига милиция ходимларининг ибратли ишлари ҳақида сўзлаб берди.

Маҳалла активларидан М. Бадалов, А. Ортиқов, Ў. Тоҳиров ва бошқалар ҳам сўзга чиқиб, жамоат тартибини янада яхшилаш тўғрисидаги қимматли фикрлари билан ўртоқлашдилар.

«АРТЕК»—ПИОНЕРЛАР ОРОМГОҲИ

Пионерлар республикаси деб ном олган бу ерда фақат Совет Иттифоқи пионерлари эмас, жаҳоннинг турли бурчакларидан келган ёшлар мириқиб дам олишади, СССР пионерлари билан дўстлашади.

Қрим соҳилида жойлашган ана шу меҳнат Қизил Байроқ орденли В. И. Ленин номидаги Бутунittифоқ пионерлар лагерига

Кеча

РЕСПУБЛИКАМИЗДАН 80 ПИОНЕР ЖЎНАБ КЕТДИ. ПИОНЕРЛАР «ИНТЕРНАЦИОНАЛ ДЎСТЛИК КЛУБИ» КЕЧАЛАРИДА ҚАТНАШАДИ. УТТИЗ КУН МОБАЙНИДА ҚАДРДОН ДЎСТЛАР ОРТТИРАДИ.



Коммунистик меҳнат зарбдори пешқадам ишчи Н. Кобилянский «Подъёмник» заводининг беш йиллик топшириқларини тўрт йилда бажаришга аҳд қилган йигувчи слесаридир. Бу меҳнатсевар ишчи ўзининг шахсий беш йиллик топшириқларини шу йилнинг октябрь ойида бажаради.

СУРАТДА: Н. Кобилянский.

М. Нуриддинов фотолари.

ГАЗЕТАЛАРДА

◆ 14 июлда Кремлда Совет Иттифоқида дўстона расмий визит билан меҳмон бўлиб турган Германия Демократик Республикасининг партия-ҳукумат делегацияси билан олиб борилган музокаралар муваффақиятли якунланди. ГДР партия-ҳукумат делегациясининг Совет Иттифоқига визити натижалари ҳақида қўшма баёнот эълон қилинди.

◆ Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қишлоқда уй-жой ва маданий-маиший қурилишни яхшилаш чоралари тўғрисидаги масалани қараб чиқдилар. Шу масала юзасидан қабул қилинган қарорда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тўғрисида, қишлоқ аҳолисининг моддий фаровонлиги ва маданий савиясини ошириш ҳақида доим ғамхўрлик қилаётгани таъкидланди.

◆ Космик фазони тадқиқ қилиш программасига мувофиқ 1969 йил 13 июлда Совет Иттифоқида «Луна-15» автомат станцияси учирувчи ракета билан бирга парвоз қилдирилди.

Редакция почтасидан

ГЎЗАЛЛИК НИМАДА?

САЁҲАТ ГАШТИ

УМР БЎСТОНИ

ҚАДИМГИ ШАҲАРЛАР СИРИ

◆*Озодалик туман бойлик*

ТУРМУШ ЧИРОЙИ

Шаҳримиз кундан-кунга обод, кўркам бўлиб боряпти. Янги бинолар, кўчалар, ҳиёбонлар шаҳарга ўзгача ҳусн бериб турибди.

Шаҳримизнинг янада гўзал, озода бўлиши ўзимизга боғлиқ. Ҳар биримиз бу ишга ҳисса қўшмоғимиз керак.

Антисанитария, ифлослик, бесаранжомлик баъзи юқумли касалликларнинг тарқалишига шароит яратиб бериши азалдан маълумдир.

Шундай экан кўчалар ва ҳовлиларда ахлат тўпланиб қолмасин, ҳаммаёқ озода бўлсин. Микроб ташувчи пашшаларнинг кўпайишига асло йўл қўймайлик.

Ошхоналарда озодалик ва саранжомлик — саломатликни сақлашнинг муҳим омилларидан бири. Таом тайёрлайдиган кишининг қўллари, идиш-товоқлар ва таом тайёрлаш столининг тозалиги ошқозон-ичак касалликларининг олдини олишда энг муҳим воситадир.

Кўпгина касалликларнинг олдини олишда шахсий тиғиена жуда катта аҳамиятга эга. Баданни доим тоза тутиш, унинг ҳаддан ташқари қизиб ёки совиб кетишидан сақлаш ҳам саломатлик гарови ҳисобланади. Тез-тез ювиниб турмайдиган кишининг териси остида мой ва кир йиғилиб қолади. Бу эса терининг ҳимоя фаолиятини сустлаштириб юборади.

Бундай кишилар модда алмашувининг бузилиши туфайли яхши кайфиятда бўлмайди. Турли яра-чақалар босиб кетади.

Бадан тарбия билан бирга кийимлар ва уй-жойларнинг озодалигини сақлашга ҳам эътибор бериш керак.

Уй полини ҳўл латта билан артиб туриш, хоналарни шамоллатиб туриш керак. Шунда чанг тўпланиб қолмайди, микроблар кўпаймайди. Шамолатилмаган хоналарда кўпинча тумов, ангина каби касалликлар келиб чиқади.

Хоналарни шамоллатмаслик, айниқса, болалар организми учун хавфлидир. Тоза ҳаво, кўёш нури кўпгина касалликларнинг олдини олишда доим кўмакчи.

Э. ЮСУПОВ
республика санитария маорифи уйининг бош врачи.

И. ШАИНСКИЙ,
медицина фанлари кандидати.



Фотомухбир Ж. Раззоқов шаҳримиздаги завод ва фабрикаларнинг ишчилари ҳузурида тез-тез бўлиб туради. Куни кеча у Тошкент темир йўлининг 1-юк ортиш ва тушириш дистанцияси механизмларини ремонт қилиш цехида бўлиб, мастер Ҳ. Нишоновни шогирдлари билан иш пайтида суратга туширди.

Суратда: мастер Ҳ. Нишонов (ўртада) шогирдлари С. Данилов ва Б. Пўлатов билан.

МАШЪАЛЛАР

1-қурилиш бошқармаси 153-қурилиш трестининг пешқадам коллективи ҳисобланади. Шу кунларда Олой бозори ёнида Марказ-6 микрорайонини қураётган бошқарманинг учта бригадасига участка прораби Мирзаахмедов бошчилик қилмоқда. Ўз ишини яхши билган таниқли бинокорлар Раҳим Зиёев, Холҳўжа Баҳодировлар бошчилик қилаётган бригадалар билан бир сафда Солижон Рустамов бошлиқ бригада аъзолари ҳам меҳнат қилишмоқда.

Бу уч машъал бригада бошқарма ва трестнинг фахри ҳисобланади. Чилонзор-Қорақамиш, Дўмбиробод каби массивларда бу бригадалар қурувчиларининг қўли билан барпо этилган осмонўпар бинолар — турар жой, мактаб, маданий-маиший иншоотларни ўнлаб санаш мумкин.

— Яқинда Дўмбирободда 92 квартирали турар жой биносини қуриб битказган бригадамиз аъзолари билан Марказ-6 микрорайонида 72 квартирали турар жой биносини қурмоқда. Ҳозир бинонинг иккинчи қаватида иш қизғин бормоқда, биз тез ва сифатли қуриш учун бор имкониятларни ишга солмоқдамиз,— дейди Солижон Рустамов.

Коммунистик меҳнат зарбдорларидан ғишт терувчилар Мирзахалил Раҳматов, Собир Юнусов, электр пайвандчи Алёша Извешев каби ишчилар берилган топшириқни ортиғи билан бажариб доимо бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

М. ПАРМОНОВ,
студент.

УЧ СЎМ ОЗ ЭМИШ

Биз тўрт киши дам олиш куни «Ғалаба» боғининг юқорисидаги чойхонада ош дамлаб, хордиқ чиқардик. Уйга кетиш олдидан чойхоначига қозонтовоқ ва ўтин ҳақи учун уч сўм берган эдик, жаҳли чиқиб, улоқтириб юборди. Шунда ўртоқларимиздан бири яна бир сўм қўшиб берди.

Биз жуда ҳайратда қолдик. Чойхонадаги барча нарсаларнинг нархи бор-у, нега ош дамлаб олиш учун неча пул тўланиши маълум эмас?!

Шаҳримизда талай чойхона бор. Уларда ҳар куни неча ўн қозонда ош дамланади. Хўш, ундан келаётган даромад кимнинг чўнтагига тушмоқда?!

Бундан ташқари, чойхоналарда ошхоналар орқали палов, шўрва ва бошқа таомлар учун ярим тайёр масаллиқлар сотишни ташкил қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди.

П. ҒИЁСОВ,
«Вузтехснаб»нинг катта инженери.

ҲАМКАСБЛАР МУСОБАҚАСИ

Аввал пешин вақти. Кун шу қадар қизиганки, асти қўяверасиз. Қурилиш объектларида тайёрланган қоришмалар бир зум турса юзини парда қоплайди.

Прораб Виктор Борисович бинони пардоздан силлиқ чиқараётган ҳамкасблари меҳнатидан мамнун. Ахир бинонинг кўркини пардоз кўрсатади-да. Прорабнинг қўлида пардозчи касбига меҳр қўйган 80 та қўли гул йигит ва қизлар бор. Уларнинг бир-бирига меҳрибонлиги, ишда ва турмушда аҳиллиги тилдан-тилга кўчиб юради.

Ҳа, раҳбар мамнун бўлса арзийди. Ишнинг унуми яхши. 5-трестга қарашли 43-пардозлаш бошқармасининг Виктор Гудков раҳбарлигидаги ишчилари улуғвор беш йилликнинг тўртинчи йили планини Улуғ Октябрь байрамининг 52 йиллиги арафасида бажаришга аҳд қилган эдилар. Ҳозир ишчан пардозчилар ўз сўзларининг устидан чиқиш мақсадида қурилиш объектларидаги ишни бир ярим сменада ташкил этганлар.

Борис Левнев бошлиқ бўёқчилар бригадаси бошқармада пешқадам ва ташаббускор. Бу бригада аъзолари ҳар кварталда нормадан ташқари 2-3 хонали уйни пардоздан чиқармоқдалар. Марина Кузнецова, Валентина Брусненская, Зинаида Васильева, Михаил Алешов каби чапдаст бўёқчилар уйининг эшик ва деразаларига ниҳоят ўткир дид билан сайқал берадилар. Уларнинг маҳоратига ҳар қанча таҳсин айтса арзийди.

Илгари у бошлиқ бригада аъзолари 26-кварталдаги 34 квартирали турар-жой биноси ва заргарлик фабрикасида фидокорона ишлаганди. Уларнинг тезкорлиги, объектларни аъло сифатда қўлдан чиқарганликлари бошқарма раҳбарлари томонидан муносиб тақдирланди.

Айни кунларда Виктор Борисович бошлиқ пардозчилар пойтахтимизнинг Шота Руставели кўчасида тўрт қаватли бинони давлат қабул комиссиясига топширишга ҳозирлик кўрмоқдалар. Янги бино битгач, унга 64 оила кўчиб киради.

Ф. АБДУРАҲИМОВ.

ТАЪЗИМ СИЗГА, УСТОЗ

Механика-йиғув цехига кирган кишининг кўзи «Ҳурмат тахтаси»дан жой олган бир суратга тушади. Унинг тагига «Коммунистик меҳнат зарбдори, йиғувчи-слесарь Георгей Станисотис» деб ёзиб қўйилган.

Георгей меҳнат қилаётган аҳил коллективда 12 кишчи бўлиб, улар пахта териш машиналари учун ишчи қисмлар — шпинделли барабанлар тайёрлаш ойлик, кунлик нормаларини доимо ортиғи билан бажариб келишмоқда.

Георгей Станисотис цехнинг барабанлар тайёрлаш участкасида 1949 йилдан буён ҳалол меҳнат қилиб келиши билан бирга слесарлик касбини ўнлаб ёш ишчиларга меҳр билан ўргатди.

Цехда биринчилар қаторида коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли ва юксак ном эгаси, тайёр маҳсулотларни назоратчисиз йиғув цехига жўнатишда шахсий биринчиликни қўлга киритган Георгей менинг ҳам энг меҳрибон устозимдир.

Дастлабки йилларда заводга кишга келганимда қўлимда ҳеч қандай ҳунарим йўқ эди. Ўшанда мени шу кекса ишчи слесарлик касбига ўргатди, ўқитди. «Ишчи» деган юксак номни қадрлашга ўргатган устозим Георгей Станисотисдан беҳад миннатдорман.

А. АШУРОВ,
«Ташсельмаш» заводи механика-йиғув цехи ишчиси, Коммунистик меҳнат зарбдори.

РАҲМАТ СИЗГА, ШИФОКОРЛАР!

Фарзандимиз Саодатни оғир касал ҳолда ортопедия ва травмотология шифохонасига олиб келдик. Бу ерда анча ётгач, уни операция қилишди.

Фарзандимиз Саодатни ҳаётга қайтарган, унинг соғлом ўсиши учун бор меҳрини бағишлаган профессорлар М. Шоматов, Р. А. Аҳмаджонова, врачлар У. Муродов, К. Қобулов, ҳамширалар М. Саушина, В. Иваненко, А. Комаровларга чексиз миннатдорчилигимни з и н и билдирамиз. Раҳмат сизга, азиз шифокорлар! Қўлингиз асло дард кўрмасин.

М. ШУКУРОВ,
Ҳамза район, Янгиобод массиви. Ҳосият кўчасидаги 21-уйда истиқомат қилувчи.

Лагерда

Лагерга кириб борганимизда бизни пионер вожатий Р. Ҳасанов илиқ кутиб олди.

— Лагеримизда ҳозирги вақтда меҳнаткашларнинг 150 нафар ўғил ва қизи дам олмоқда,— тушунтира кетди вожатий. Мириқиб дам олиш учун барча шароит яратиб берилган. Лагерда кутубхона бор. Тажрибали тренер Н. П. Баранов спорт ишларига раҳбарлик қилмоқда. Бундан ташқари, фото- музика машиностакликни ўргатувчи тўгараклар ҳам ишлаб турибди.

Лагерда турли кечалар ва мусобақалар ўтказиш ҳам яхши йўлга қўйилган. Яқиндагина «Дўстлик ва эртаклар» карнавали ўтказилди. Шашка ва футбол бўйича ўтказилган лагерь биринчилигида эса 3 ва 5-отряд спортчилари биринчи ўринни олдилар.

Т. МУСЛИМОВ,
А. Набиев номли лагерь

◆*Саёҳат роҳат*

ТАРИХИЙ ЖОЙЛАРГА

Тўқимачилар тез-тез чет элларга ҳам туристик саёҳатга бориб туришибди.


Ишчилар Болгария, Руминия, Чехословакия, Венгрия, Польша, Германия Демократик Республикасида бўлишди.

Шу йилнинг ўзида цех бошлиғи Рихсибой Алимуҳамедов, йигирувчи Татьяна Хохлова, 4-цех бошлиғи Турсун Бобоназаровлар Германия Демократик Республикасига боришди.

Улар Дрезден, Лейпциг, Веймар, Потсдам ва Магдебург шаҳарларида бўлишди. Саёҳатнинг охирги маршрути Берлин шаҳри бўлди. Германияда 12 кун бўлган тўқимачилар она шаҳримизга ажойиб тасассуротлар билан қайтишди.

Тўқимачиларни н г фарзандлари мана ўн икки йилдирки, Бўстонликда тоғлар бағрида жойлашган «Восток» пионер лагерида ҳордиқ чиқаришяпти. Бу йил ҳам 1500 га яқин бола ўз каникулини лагерда ўтказади.

М. ЖАМОЛОВА,
Тўқимачилик комбинатининг «Тўқимачилар овози» кўп тиражли газетаси ходими.



◆«Тошкент оқшоми»да босилгандан кейин

„ЎЛДА — ЖЎЛДА“

Шу сарлавҳа остида газетамизнинг 23 май сонида босилган материалда Бешқайрағоч массивидаги Ботў кўчасида водопровод ўтказиш ишлари судралиб келаётгани ва бу ишга «Водоканал» трести бепарво қараётгани танқид қилинган эди.

«Водоканал» трестидан олинган жавобда бундай дейилади:

Бешқайрағоч массивидаги водопровод ўтказиш ишларини «Средазнефтегазстрой» трести бошқармоқда. Бироқ бу трест водопровод қурилишини йил сайин судраб келмоқда. 1969 йил планига асосан водопровод тўртинчи кварталда фойдаланишга топширилиши керак.

«Водоканал» трести водопровод қурилишини поёнига етказишга ёрдам берилишини сўрайди.

РЕДАКЦИЯДАН: «Водоканал» трести раҳбарларига!

«Водоканал» трести буюртмачи сифатида олиб бораётган бутун ишларга жавобгардир. У ишнинг боришини бошдан назорат остига олиши, оқсаган жойда зарур чора кўрилишини қатъий талаб қилиши зарур эди. Афсуски «Водоканал» трести раҳбарлари оддий ҳақиқатни тушунмаётирлар. Улар ишни топшириб, ўзлари эса: «олма пиш, оғзимга туш» деб томошабин бўлиб қолмоқдалар. Бунинг оқибатида фақат Бешқайрағоч массивидаги водопроводгина эмас, балки «Водоканал» трести мутасадди бўлган бошқа кўпгина сув иншоотлари ҳам судралиб, иш ўлда-жўлда бўлиб ётибди.


«Водоканал» трести раҳбарлари, шахсан ўртоқ М. Хўжаев бундан тегишли хулоса чиқариб олиши, трест олиб бораётган барча ишларда шахсий жавобгарликни оширишлари керак.

Ташқаридан мадад кутиб қўл қовуштириб ўтириш зиммадаги вазифани ўзидан соқит қилиб, уни бошқаларга юклашдан бошқа нарса эмас.



Яқинда тошкентлик фотомухбир Н. Муҳаммаджонов Марғилон шойи тўқиш фабрикаси ишчилари ҳузурида меҳмон бўлди. У бу ерда фабрика ишчиси СССР Олий Советининг депутати Мунисхон Тешабоевани ёш ишчилар билан суҳбатлашаётган пайтида суратга олди.

ФОТО АЙБНОМА



Халқимизда «Яхши ният билан кўчат эк» деган мақол бор. Мана бу суратга бир қаранг. Бу Тошкент асаб (неврология) санаторийси қошидаги фотографиянинг эълони. Бу эълон «Ташавтомаш» бекатида катта гўзал чинор дарахтига михланган. Наҳотки эълон учун бошқа жой топилмаган бўлса.

М. Нуриддинов фотолари.

Ёз—ўтмоқда соз!

ЛАГЕРЬ ГАШТИ

Соя-салқин гулларга бурканган 105 мактаб қучоғи каникул кунларида ҳам эркатойлар билан гавжум. Бу ерга «Узбекхозсельмаш» заводи пионер лагери жойлашган.

Лагеримизда болаларнинг кўнгилли дам олишлари учун барча шароит муҳайё. Пионерлар ўзлари севган спорт турлари, музика, моҳир қўллар каби тўгараклларда актив қатнашадилар.

Биринчи сменада лагеримизда машинасозларнинг 130 фарзанди ҳордиқ чиқаришган бўлса, иккинчи сменада ҳам шунча бола дам олаяпти. Турли ҳушманзара жойларга саёҳатлар уюштириш учун завод маъмурияти автобуслар ажратиб бермоқда.

Лагерь пионерларига заводга қарашли 10-ошхона пазандалари намунали хизмат қилишмоқда.

Пионерларнинг соғлом ва бақувват бўлиб мактаб қучоғига қайтишлари учун 10 дан ортиқ меҳрибон педагог парвона.

Д. КОВАЛЁВ.

БУГУНГИ ТОШКЕНТ

СУРАТДА: Заводская кўчасининг кўриниши.

Ж. Раззоқов фотоси.

ШУ КУННИНГ ТАЛАБИ

ҲАЛҚИМИЗДА «қиш гамини ёзда е», деган ҳикматли гап бор. Хўш, шаҳримиз иситиш системаларидаги ремонт ишлари қандай бормоқда!

Ўтган қишнинг қаҳратон совуғида ишдан чиққан иситиш системалари ва уларнинг ускуналари капитал ремонт қилинмоқда, янгилари қўйилмоқда.

Шаҳар бирлашган иситиш қозонлари дирекцияси ўзига тегишли Ленин, Киров, Куйбишев, Октябрь, Ҳамза, Сергели районларидаги иситиш системаларини капитал ремонт қилиш қозонхоналардаги ишдан чиққан қозонлар ўрнига янгиларини қўйиш ва иситиш системаларини мавсумга тахт қилиб қўйишга доир барча ишларни тез кунлар ичида тамомлаш графигини тузиб чиқди.

Тузилган график бўйича асосий иситиш ва электр ускуналари, қозонхона биноси ва иссиқлик ўтиш йўллари ремонтининг аниқ муддатлари белгиланган.

Графикда барча ишларни йилнинг августсентябрь ойларига тугаллаш ва мавсум олдидан дастлабки синовдан ўтказиш кўрсатилган.

График қандай бажарилапти!

Бу саволга жавоб топиш учун шаҳар иситиш системаларини ремонт қилиш ва мавсумга тайёрлаш бўйича олиб борилаётган ишларга бир назар ташламлик.

Ўтган қишда Сергелидаги бешта иситиш қозони бутунлай ишдан чиқди. Кир ювиш комбинатига тегишли бўлган иситиш қозони ҳам яроқсиз ҳолга келиб қолди. Сергели касалхонасига қарашли кир иситиш қозони шикастланмай қолди, холос. Бучдай ҳолнинг юз бериши учун биргина иситиш қозонларининг сифатсизлиги сабаб бўлган деб бўлмайди. Бу ишда аҳолининг ўзи ҳам маълум даражада айбдор. Масалан, Сергелидаги кўпгина хонадонлар хоналарга ўрнатилган радиоторлардан яшириш йўл билан иссиқ сув олиб, рўзғор учун ишлатганлар. Ўтказилган рейдларнинг бирида бир кечанинг ўзида радиаторлардан иссиқ сув олаётган 400 кишн қўлга тушди. Бунинг натижасида радиоторларга келадиган сув кўпайиб, қайтиб кетадиган сув миқдори нормадан ниҳоятда пасайиб кетган. Натижада иситиш қозонларн ишдан чиқа бошлаган.

Бундай аҳвол Куйбишев ва Ҳамза районларида ҳам юз берган эди.

Шаҳар микроия комитетининг қарори билан Сергелидаги иситиш қозонлари янгиланадиган бўлди. Шу мақсадда санитехника ускуналари заводига қирқта пўлат қозон учун буюртма берилди. Аммо ҳозиргача ана шу қозонлардан фақат тўққизтаси тайёрланди, холос. Қолгани насия бўлиб турибди.

Иситиш системаларини ремонт қилиш ишини жадал олиб бориш учун арматура, қозон, труба, ғишт каби зарур материаллар етишмаётир. Шунинг учун ҳам 1 июлга келиб қозонхоналардаги 39 та қозоннинг иситиш қисми, шулардан, 37 тасининг электр ускуна қисми ва учта иситиш тармоғи ремонт қилинган, холос. Бу шу пайтгача бажарилиши керак бўлган ишнинг 50 процентини ҳам ташкил қилмайди.

«Таштеплосеть» корхоналарига қарашли Чилонзор, «Марказ», Қорақамиш, Високовольт, Черданцев-1 ва Черданцев-2 уй-жой массивлари, Луначарский шоссеси, «Шимол-Шарқ-2» ва студентлар шаҳарчасидаги иситиш системаларини ремонт қилиш ишлари бошлаб юборилган. Бу участкаларда олиб борилаётган ишлар ниҳоятда улкан, «Таштеплосеть» корхоналарига қарашли барча иситиш қозонлари капитал ремонт қилинаяпти. Ҳозирда «Шимол» ва «Жануб» номи билан иккита қозонхона қурилмоқда.

Чилонзор массивидаги иситиш системалари ўтган йили талабга жавоб бермаган эди. Шуни ҳисобга олиб, «ТЭЦ» ускуналари капитал ремонт қилинмоқда. Аммо «Водоканал» трести ТЭЦ учун зарур бўлган сувни ажратиб бермаяпти. Бу аҳвол ўтган йили ҳам юз берган эди.

Қатортолдаги «Узбекгидроэнергострой» трести катта тортиш кучига эга бўлган насос станциясн барпо қилаётир. Бу қурилиш ўтган йили бошлаб қўйилган эди. Аммо иш ҳамон жадаллашмаяпти.

Чилонзорда янги қозонхона қуриляпти. Бу иншоот битгач, ТЭЦ иши анча енгиллашади. Лекин қурилиш кўнгилдагидек эмас. Унга ажратилган майдонда 153-трестнинг 14, 31, 34-қурилиш бошқармалари, «Отделстрой»нинг арматура цехи, темир-бетон заводининг бинокорлик материаллари чиқиндилари тўпланиб ётибди. Бунинг оқибатида шу йилнинг 10 июнигача қуриб топширилиши керак бўлган қозонхона пойдеворн ҳамон битмай ётибди.

Шаҳримизнинг шимол-шарқ қисмидаги қозонхонага ўтган йили «Узбекэнергос т р о й» трести иккита қозон ўрнатган эди. Бу қозонлар ишга тушмоқда?

◆*Қишга тайёрмисиз*

ШУ КУННИНГ ТАЛАБИ

Шаҳримизда «Яхши ният билан кўчат эк» деган мақол бор. Мана бу суратга бир қаранг. Бу Тошкент асаб (неврология) санаторийси қошидаги фотографиянинг эълони. Бу эълон «Ташавтомаш» бекатида катта гўзал чинор дарахтига михланган. Наҳотки эълон учун бошқа жой топилмаган бўлса.

М. Нуриддинов фотолари.

Шифокор қабулида

ОФТОБ УРИШИДАН САҚЛАНИНГ

Иқлим хусусиятига кўра диёримизда ёз бир мунча иссиқ бўлади. Қуёш нури киши баданига фойдали таъсир қилиб, тери-да меланин моддаси ва витамин Дни тўплайди. Бу эса танани бақувват қилиб, сувяк тўқималарини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Қуёш нурининг фойдали таъсиридан ташқари уни суистеъмол қилиш кишини касалланишига олиб келиши мумкин, яъни терининг куйиши, офтоб уриши, асаб бўшашуви, бош оғришига сабабчи бўлади. Баъзи одамлар қуёш нуридан қандай сақланишни билмай, кўпинча терини куйиш ҳолларига йўл қўядилар, шундан сўнг уларда иш қобилияти пасаяди ва бир неча кун ишлай олмайдилар.

Аксарият, чўмилувчилар қуёш нурида қанча вақт қорайиш кераклигини билмай, кўпинча терининг оғир куйишига йўлиқадилар. Ультрабинафша нур билан қуйиш одатда қуёш ваннасини суистеъмол қилишдан келиб чиқади, бу пляжда куйиш деб аталади.

Қуёш нурини суистеъмол қилиш одатда терининг қизаришига (1-даражали куйиш) ёки пуфакчаларнинг ҳосил бўлишига (2-даражали куйиш) олиб келади, шу билан бирга гавданинг катта қисми зарарланади. Бундай қорайиш умумий ҳолатга кучли таъсир этади ва қаттиқ оғриқ пайдо қилади.

Кўпинча дам олиш кунлари шаҳар атрофига уюштирилган сайрдан сўнг кишилар поликлиникаларга ёрдам сўраб боришга мажбур бўладилар. Бунда улар одатда бош оғриғи, дармонсизлик, ҳарорратнинг кўтарилиши, терининг оғриётгани ва қизаргани, пуфакчалар пайдо бўлганидан шикоят қиладилар. Офтоб урган киши ўзининг аччиқ тажрибасида касалланиб даволанишдан кўра куйишнинг олдини олиш афзал эканлигини тушуниб олади.

Баъзида пляжда қуёш нури остида ухлайдиган шахслар ҳам учрайди, бундай уйқу киши аъзосига зарарли таъсир қилади, шунинг учун қуёш нури тик тушадиган жойларда ухлаш тавсия этилмайди. Шунингдек, қуёш ваннаси қабул қилаётган вақтда китоб ўқиш мумкин эмас. Чўмилиш билан қуёш ваннасини алмаштириш қуёшдан сувга, сувдан қуёшга чиқиш киши аъзосини кучсизланишига олиб келади, кишини офтоб уради.

Офтоб уришининг биринчи белгилари — терининг қизариши, бош оғриши ва кўнгил айнаши, терлаш ҳоллари рўй берса, кишини дарҳол салқин жойга олиб ётқизиш керак, киймларини ечиб бошига ҳўл сочиқ қўйиш, совуқ сувдан юз ва баданларига сепиш керак.

Қуёш нури таъсиридан сақланиш учун иш ва дам олишни рационал уюштириш мақсадга мувофиқ бўлиб, суюқлик истеъмол қилиш ва ўз вақтида овқатланиш ҳам алоҳида ўрин тутади. Ўзбекистон Фанлар академияси ўлка медицина институтининг кўрсатмасига кўра чанқоқликни босадиган суюқликлардан бири олча ва ўрик компотлари ҳисобланади. Ёздан нўхчой ичиш ташналикни қондиришда энг яхши омилдир.

Қуёш ваннасини қабул қилишдан олдин врач билан маслаҳатлашиш лозим. Врач қуёшдан даволанишни белгилаганда эҳтиёткорлик билан, аста-секин қуёш нурини қабул қилишни кўпайтириб боришни, нурланиш дозасини аниқлаб олиш йўлларини тушунтиради, кекса кишиларни ва юрак-қон томир касалликлари билан азоб чекувчиларни қуёшда узоқ вақт ётиш мумкин эмаслигини огоҳлантиради.

Қуёш нурида секинлик билан чиниқиш ва секинлик билан терининг устки қаватини қорайтириш офтоб уришидан сақланишда катта роль ўйнайди, киши баданини иссиққа бардошлигини оширади.

Совуқ сув ва иссиқ ҳавода чиниқиш офтоб уришидан сақлайди. Иш вақтида очиқ жойларда ишловчиларга — қурувчи ва темир йўл ишчиларига бошларинг ҳолда ишлаш мумкин эмас, қуёш нури тик тушадиган жойларда яланғоч бўлиб ишлаш тавсия этилмайди. Иш вақтида етарли миқдорда суюқликлар: компот, минерал сувлар, чой истеъмол қилиш мақсадга мувофиқдир.

Т. ҲАСАНОВ,
медицина фанлари кандидати.



МОСКВА ОБЛАСТИ. Косинск трикотаж фабрикаси.

СУРАТДА: фабрика рассоми А. Лаврова манекеншид М. Глунковская ва рассом В. Деминс. кийлар янги кийимлар фасонини муҳокама қилишмоқда.

И. Савинова фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

АЖОЙИБОТЛАР

Бир вақтнинг ўзида ўн минг киши...

Будапештдаги алоқа илмий-текшириш институтида кенг диапазонли ва микротўлқинли радио алоқа учун «Дружба» қурилмасининг намуна учун чиқарилган нусхаси ишлаб турибди. Бу қурилма 12.500 километр масофада ишлайди ва бир вақтнинг ўзида ўн минг киши телефонда гапириши мумкин.

400 реактив самолёт учганда...

Калифорния университетидан профессор М. Дональд ҳисоблаб чиқишича, агар ҳар куни жаҳон бўйлаб 400 реактив самолёт ўрта ҳисобда тўрт мартадан учса, ер юзидаги ҳаво ҳароратини 0.2 даражага оширади.

Антрактида музлари эриса...

Абадий музликларнинг қалинлиги бир неча километр, унинг ҳажми эса 25 миллион кубометрдир. Агар бу музлар эритилса, дунё океанининг сатҳи 56 метрга кўтарилган бўлур эди.

ҲИКМАТЛИ СЎЗЛАР

✦ Итдан сўрабдилар: «Нега акиллайсан?— «Қўрқаман» — деб жавоб берибди ит.

✦ Луқмони Ҳакимдан: «Қайси ўт ўзи ёққан одамни куйдиради» деб сўрабдилар.

— Ҳасад — дебди у.

✦ Синамаганга иш буюрма ва синаганга устозлик қиламан дема.

✦ Синалганни синамоқ — жоҳиллик.

✦ Фарзандни г н и тилда эмас, дилда эъзозла!

✦ Гапирмаганингга пушаймон қилиш гапириб пушаймон қилишдан афзал.

✦ Кўп гап— ариқ суви, оз гап — дарё. Дарё эса бутун ариқлардаги сувни олади.

✦ Одам танийман десанг, у билан ҳамсуҳбат бўл ёки сафар қил.

✦ Ўзингнинг бир коса суву, бурда нонинг бировнинг қовурдоғидан афзал.

✦ Шошқалоқ бир ишни икки қилади.

✦ Луқмони Ҳакимдан сўрабдилар: «Қайси аччиқ нарса охирида ширин бўлади?»— «Сабр»— деб жавоб берибди у.

✦ Бир сабр қилу, кейин минг афсус ема!

ПИЁЗ АНЗУР

Диёримиз ўсимликлар дунёсида табиий ҳолда ўсадиган фойдали ўсимлик турлари ҳам жуда кўп. Улар халқ хўжалигимизнинг ҳар хил тармоқлари учун асосий хом ашё манбаси бўлиб хизмат қилади.

Халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган ёввойи фойдали ўсимликлардан бири озиқ-овқат ва зираворлик хусусиятига эга бўлган пиёз анзурдир. У Ўзбекистоннинг Тошкент, Самарқанд ва Бухоро областларининг тоғли районларида денгиз сатҳидан 900—3000 метр баландликлардаги юмшоқ соз-тупроқли ерларда унча катта бўлмаган майдонларда ўсади. У ўсиш шароитига қараб май-июнь ойларида гуллайди ва июнь-июлда уруғлайди.

Пиёз анзур гуллаб турган пайтида жуда чиройли туста киради, ундан манзарали ўсимлик сифатида ҳам фойдаланилса бўлади.

Пиёз анзур шифобахш ўсимлик бўлгани сабабли маҳаллий аҳоли ундан жуда узоқ йиллар мобайнида фойдаланиб келмоқда. У иштаҳани очади ва фитонцидлик хусусиятига эга бўлганлиги сабабли оғиз бўшлиғида, ошқозон-ичак йўлларида учрайдиган ҳар хил микробларга қирғин келтиради.

Пиёз анзурнинг кимёвий таркиби жуда мураккаб бўлиб, унинг асосини эфир мойлари, протеин, жирлар, фосфор моддалари, минерал тузлар, органик кислоталар ва сув ташкил қилади.

Пиёз анзурни июнь-август ойларида маҳаллий аҳоли йиғиштириб олиб тузлайди ва консерва тайёрлайди. Сўнгги пайтларда бу ўсимлик маҳсулотига бўлган талаб кучайиб бормоқда. Шу сабабли ҳам Самарқанддаги «Серп и молот» консерва заводи пиёз анзуридан консерва тайёрлашга киришди. У ҳар йили бир неча минг банка консерва ишлаб чиқармоқда. Завод ишлаб чиқарган маҳсулотга талаб тобора ошиб бормоқда. Пиёз анзуридан консервасини магазинлардан топиб бўлмаяпти.

Пиёз анзурнинг колган ҳозирги табиий бойликлари эҳтиёжни қондира олмайди. Самарқанд консерва заводи эса йилдан йилга ҳом ашё манбаига муҳтож бўлаверади ва бу соҳадаги планни бажара олмайди.

Шу сабабли бизнинг фикримизча, мавжуд бўлган пиёз анзурзорларни муҳофаза қилишимиз, улардан фойдаланишни тўғри йўлга қўйишимиз, катта ерларда анзурзорлар барпо этишимиз лозим. У жуда осонлик билан уруғидан ҳамда пиёзчаларидан кўпаяди. Уларни тоғолди қисмлардаги бўш ётган ерларда кўпайтириш мақсадга мувофиқ бўлади. Пиёз анзур уруғи октябрь-декабрь ойларида 2—3 сантиметр чуқурликда экилса, яхши кўрсаткичлар беради. Ҳар бир гектар майдонга 3—5 килограмм уруғ селилади.

Агар юқоридаги тадбирларга амал қилсак, тегишли ташкилотлар бу ишга етарли аҳамият берсалар, пиёз анзурнинг катта ҳом ашё манбайини яратиш ва етарли даражада пиёз анзур консервасини ишлаб чиқариш мумкин.

Қ. ҲОЖИМАТОВ,
биология фанлари кандидати.



Владимир Ильич Ленин номли Тошкент Давлат университетида 38 миллатнинг фарзандлари таълим олмоқда. Суратда: шу университетда таълим олаётган ёшларнинг бир группаси аудиторияларидан чиқиб келмоқда.

И. Глуберзон ва В. Сироткин фотоси.

ТАСС ва АПН мухбирлари хабар қилади

ПЛАНЕТАМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

ДИПЛОМАТИЯ МУНОСАБАТИ ЎРНАТИЛДИ



Болгария Халқ Республикаси. Шумен шаҳридаги «Мадара» заводи илгари фақат автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарар эди. Ҳозир бу корхона Совет Иттифоқининг техникавий ёрдами билан қайта конструкция қилиниб, йирик автомобилсозлик заводига айланган.

СУРАТДА: завод конвейерида «ГАЗ» машиналарини йиғиш.

БТА — АПН фотоси.

ҚОҲИРА. Бирлашган Араб Республикаси ҳукумати билан Германия Демократик Республикаси ҳукумати иккала мамлакат ўртасида элчихоналар даражасида дипломатия муносабатлари ўрнатиш тўғрисида қарор қабул қилдилар, дейилади Бирлашган Араб Республикаси ташқи ишлар министрлигининг МЕН агентлиги тарқатган баёнотида.

Германия Демократик Республикаси билан Бирлашган Араб Республикаси тез орада бир-бирларига элчилар юбориши баёнотда таъкидлаб ўтилади.

МЕН агентлигининг яна хабар беришича, Германия Демократик Республикаси и и н г Бирлашган Араб Республикасидаги миссияси бошлиғи Мартин Бирбах бугун Бирлашган Араб Республикасининг ташқи ишлар министри Маҳмуд Риадга Германия Демократик Республикасининг ташқи ишлар министри Отто Винцернинг мактубини топширди. Иккала мамлакат ўртасида элчихоналар даражасида дипломатия муносабатлари ўрнатилиши ГДР билан БАР ўртасидаги дўстона муносабатларни тинчлик ва тараққиёт манфаатлари йўлида ривожлантиришда янги босқич бўлади, деб таъкидлади у.

(ТАСС).

ЯНГИ КУРАШ ФРОНТИ

Перу ҳарбий ҳукуматининг империализмга қарши олиб бораётган ҳаракатлари Латин Америкасида ҳам, мамлакатнинг ўзида ҳам кенг қўллаб-қувватланди. Перудаги барча асосий партиялар, касаба союзлари ва жамоат ташкилотлари ҳукумат позицияси билан бирдам эканликларини у ёки бу шаклда билдирдилар. Нельсон Рокфеллернинг келишига қарши қаратилган қудратли ҳаракат Перу қўяётган ташқи сиёсий қадамларнинг қитъа кўламидаги шуҳратини тасдиқлади.

Бироқ, ҳукумат программаси мамлакат ичкарисида жиддий қайта қурилишлар ўтказишни ҳам кўзда тутяпти. 1968 йилнинг 3 октябридаги кескин бурилишдан кейин қабул қилинган ва уч турдаги қўшин қўмондонлари томонидан имзоланган ҳукумат низомида янги ҳукуматнинг асосий мақсадларидан бири аҳолининг энг кам таъминланган табақасининг турмуш кечириш даражасини... мамлакатнинг иқтисодий, социал ва маданий тузилишини ўзгартириш йўли билан оширишдан иборатдир» дейилган.

Ҳозир АҚШ билан Перу ўртасидаги низо кескинлиги салгина камайган, бир қисм матбуот ва жамоатчилик ўртасида Рокфеллер миссияси барбод бўлгандан кейин янкилар империализми Перудаги қўпол босқинчилик ҳаракатларидан ҳеч бўлмаганда яқин вақтларгача тийилиб туради деган фикр пайдо бўлаётган бир пайтда жиддий социал-иқтисодий масалалар биринчи ўринга ўтмоқда. Уларни ҳал этиш дадиллик, пухталик билан таҳлил қила билишни ва қабул қилинган қарорларни амалга оширишда қатъийликни талаб этяпти. Перунинг иқтисодий ва социал тузилишини ўзгартириш бўйича белгиланган тадбирлар империализмга қарши олиб борилган ҳаракатларга қараганда камроқ эмас, балки кўпроқ мардлик талаб этажак. Гап шундаки, ички қайта қурилишлар мулкдор синфлар манфаатига тегади. Кеча улардан кўплари ҳукуматни қўллаб-қувватлаган бўлса, ҳозир оппозицияга ўтяпти. Курашнинг янги фронти очилди.

Чунончи, мамурлар озиқ-овқат маҳсулотларига қатъий нарх-наволар жорий этиш ҳақида қарор қабул қилганларида ва бунга риоя қилинишн устидан қаттиқ назорат ўрнатганларида ана шундай ҳол рўй берди. Қимматчилик, кўпчилик халқ аҳволининг ёмонлашиб кетиши социал норозиликларга асос бўлиб келгани учун ана шу тадбир белгиланган эди.

Бироқ нарх-наволар устидан назорат қилиш системаси қимматчиликнинг ўсишидан бойлик орттириб келаётган ер эгалари, саноатчилар ва чорвадорлар томонидан қаттиқ танқид қилинди. Улар кўпинча ўз молларини яширib, қишлоқ хўжалик молларининг спекулятив нархларга кўтарилиб кетишига олиб келган тангликни келтириб чиқардилар. Ҳозир бу доиралар саросимага тушиб қолди. Яқинда Перудаги помешчик ва ер эгаларини бирлаштирган уч йирик ташкилот (Перу чорвадорлар уюшмаси, катта ер эгаларининг миллий жамияти, Перу паррандачилар уюшмаси) матбуот конференцияси ўтказиб, ҳукуматнинг нарх-наволар устидан назорат ўрнатиш масаласидаги программасини танқид қилдилар.

24 июнда ер ислоҳоти ўтказиш ҳақидаги қонун эълон қилинди. Шу муносабат билан президент Хуан Веласко Адъварадо халққа мактуб билан мурожаат қилди. У қонунда мамлакатдаги миллий ва чет эллар-нинг катта ер мулклари — хусусий катта ерлар ва йирик қишлоқ хўжалик корхоналарини экспроприация қилиш ва булардан кооператив асосида фойдаланиш белгиланганини қайд қилиб кўрсатди. Қонун муҳтож бўлганларга техника билан ва тиним ривожлантириш иқтисодий ёрдам беришни кўзда тутади ҳамда мамлакат саноат манфаатларини кўзлаб, деҳқонларни эксплуатация қилишни тугатиш учун чиқарилди деб қайд қилди. У ўз мурожаатини «деҳқонлар, ҳўжайинлар бундан кейин сизларнинг қашшоқлигингиз ҳисобига бойлик орттиролмайди!» деган сўзлар билан тугатди.

Ҳукумат шу кунларда ер ислоҳоти ҳақидаги қонунни амалга ошириш бўйича дастлабки амалий ишларни қиляпти. Қишлоқ хўжалиги ва балиқчилик министри Хорхе Баранднаран мамлакатнинг шимолий қисмига жойлашган барча катта ер мулкларига ер ислоҳоти ўтказиш бўйича Миллий бошқарма вакилларини юборилганлигини айтди. Улар хусусий мулкларни тегишли экспроприация қилиш учун рўйхатлар тузадилар. Шу рўйхатлар бўйича ерларни баҳолаш ва компенсациялар тўлаш ўтказилади.

Меҳнаткашлар ер ислоҳоти ўтказиш ҳақидаги қонунни мақъуллаб кутиб олдилар. Перу Компартияси МКнинг сиёсий комиссияси қонунни тўла қўллаб-қувватлаётгани ҳақидаги баёнотини эълон қилди ва мамлакат деҳқонлари, касаба союзлари ҳамда студентлар ташкилотларини бу қонунни муваффақиятли амалга оширишда ёрдам беришга чақирди. Перу меҳнаткашлари Умумий уюшмасининг ижроия комитети ҳам қонунни қўллаб - қувватлаётганини билдирди.

Табиийки, катта ер эгалари бу ислоҳотга қарши жангга отланишди. Шу сабабли Перу меҳнаткашлари Умумий уюшмасининг ижроия комитети катта ер эгаларининг олигархияси ва реакция ислоҳотнинг ўтказилишини барбод қилиш учун уринишн мумкин, деб огоҳлантирди ва халқни ҳушёр бўлиб туришга чақирди.

Н. ЛЕОНОВ,
АПН мухбири.

«УМУМИЙ БОЗОР»ГА ҚАРШИ

ЛОНДОН. Лейбористлар ҳукуматининг «умумий бозор»га кириш учун қилаётган ҳаракати Англия парламентининг ўзида қаршиликка дуч келмоқда. Лейборист Томас Плайс умумпалатада айтганидек, парламент аъзоларн ўртасида «умумий бозор»га аъзо бўлиб кириш йўлидаги ҳаракат «мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги фикр кучайиб бормоқда». Томас Прайснинг айтишича, парламентнинг кўп аъзолари «умумий бозор»га аъзо бўлиб кириш Англиянн ўз мустақиллигидан маҳрум қилган бўлур эди, деб хавфсирамоқдалар.

«Морнинг стар» газетаси ҳам ҳукуматнинг «умумий бозор»га аъзо бўлиб кириш ниятини танқид қилмоқда. (ТАСС).

„ПХЕНЬЯН ТОВАРИ“

ПХЕНЬЯН. (АПН махсус мухбири). КХДР пойтахтида яқинда ташкил қилинган халқ истеъмоли товарлари сифатини баҳолаш Катта жюрисининг якунловчи мажлиси бўлиб ўтди. Унинг ҳукмига 18 корхона ўзининг 192 хил буюмини ҳавола қилганди. Шулардан 40 таси бир овоздан «Пхеньян товари» деган фахрли номни олди. Корхоналарга бу буюмларга давлат сифат белгиси қўйиш ҳуқуқи берилди.

Хусусан, қатор озиқ-овқат маҳсулотлари юқори баҳо олдилар. Сифат белгилари, шунингдек, кўпгина трикотаж буюмларда, газмолларда ва болалар ўйинчоқларида ҳам пайдо бўлади.

Товарлар сифатини аниқлаш бўйича янги системани биринчи синаб кўрилиши яхши натижа берди. Катта жюре маҳсулотлар сифатини яхшилаш, уларни дунё стандартлари даражасига кўтаришда таъсир кўрсатиши учун унинг фаолиятини давом эткизишга қарор қилинди.

В. ПАРАФЕЕВ.

АЙЁРОНА СТАТИСТИКА

Белгия миллий статистика институти эълон қилган рақамларда ишчиларнинг иш ҳақи 1969 йил апрель ойида шу йил январдагига қараганда 2,8 процент, 1966 йил октябрь ойидагига қараганда эса 18,4 процент ошганлиги айтилади. Бу факт бир қарашда кишида катта таассурот қолдиради.

Лекин уларни бошқа рақамлар билан солиштирганда эса унинг аҳамияти пасаяди. Маълум бўлишича, 1969 йилнинг тўрт ойи ичида ҳамма корхона хўжайинлари олаётган фойда 1968 йилнинг шу даврдагига қараганда, 17,5 процент ошган.

Лекин фақат шугина эмас. Агар нархлар қимматлашганлиги ҳамда Белгия франкининг ҳарид қуввати ўсганлиги ҳисобга олинса бунда иш ҳақи ошганига қарамасдан Белгия меҳнаткашлари олаётган пулнинг ҳарид қуввати 1969 йилда 1966 йилдагига қараганда 8 процент камайганлиги маълум бўлади. Мана сизга фойда!

Брюссель.

В. НЕДБАЕВ,
АПН махсус мухбири.

КУРАШГА САФАРБАР ҚИЛУВЧИ ҲУЖЖАТ

КАРАКАС

Венесуэла Коммунистик партиясининг бош секретари Хесус Фариа маҳаллий ва чет эл журналистлари ҳузурида гапириб, 75 партия вакилларининг Москвадаги учрашуви ишчилар синфи ва бутун прогрессив инсоният учун жуда катта аҳамиятга эга, деб айтди. «Биз Москва кенгашида муҳокама услубига риоя қилдик, —деб таъкидлади у. — бу услуб мунозара вақтида ишимизда аниқланган ижобий нарсаларнинг ҳаммасидан фойдаланиш имконини беради».

ҒАРБИЙ БЕРЛИН


Москвадаги халқаро кенгашда коммунистик ва ишчи партиялар марксизм-ленинизмни ҳимоя қилиб чиқдилар ҳамда ўнг ва сўл оппортунизмга зарба бердилар, деди Ғарбий Берлин Социалистик Бирлашган партияси правлениеси секретариатининг аъзоси Б. Кустер.

Шу партиянинг Ғарбий Берлиндаги Вильмерсдорф районида ўтказилган йиғилишида сўзга чиққан Б. Кустер бундай деб таъкидлади: Москва кенгаши антиимпериалистик ҳаракатга янги куч бахш этди, йўналиш ва мақсадни кўрсатиб берди. империализмга қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун курашда КПССнинг етакчилик ролини яна бир марта таъкидлади.

САНТЬЯГО

Чилида чиқадиган «Сиглоа» газетаси ўзининг бош мақоласида қуйидагиларни ёзади: коммунистик ва ишчи партияларнинг Москвадаги халқаро кенгашида қабул қилинган «Ҳозирги босқичда империализмга қарши кураш вазифалари ҳамда коммунистик ва ишчи партияларнинг, барча антиимпериалистик кучларнинг ҳаракат бирлиги» ҳужжатида ҳозирги воқелик марксизм-ленинизм принциплари асосида чуқур, атрофлича, илмий анализ қилиб берилган. Бу ҳужжат ҳамма қитъалардаги кенг халқ оммасининг орзу умидларини ва объектив эҳтиёжларини акс эттиради.

(ТАСС).



КАНАДА. Монреалда очилган «Инсон ва унинг дунёси» кўргазмасидаги СССР павильонида «Менинг Ватаним» экспозицияси намойиш қилинмоқда. Унда совет болаларининг бадиий ижодидан мингдан зиёд намуналар қўйилган.

СУРАТДА: совет павильонига кир аверишда.

В. Никитин фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

«Халқ Польшасида Ленин ғоялари»

ВАРШАВА. Варшавадаги В. И. Ленин музейи залларида ҳозирги замон полиграфикаси ва плакати выставкаси — «Халқ Польшасида Ленин ғоялари» выставкаси очилди. Владимир Ильичга бағишланган сурат, плакат ва графика асарлари ҳамда поляк ишчилар синфининг Ленин ғояларини амалга ошириш учун кураш тарихи билан боғланган расмлар выставкага қўйилган.

(ТАСС).

◆ *Спортчилар ҳақида ҳикоялар*

КАМОЛОТ САРИ

Шаҳримиздаги «Динамо» кўнгилли спорт жамияти Ўзбекистондагина эмас, балки қардош республикаларда ҳам машҳур дир. Эндиликда, бу спорт жамиятида жаҳонга танилган кўплаб самбочилар машқ олиб боряптилар. Халқаро классли самбочи Хушвақт Ризқуловни бутун жаҳон танийди. Унинг издоши Нормамат Йўлдошев ҳам ана шу спорт жамиятининг пстеъдодли ёшларидан саналади.

Мана, кенг ва муҳташам спорт зали. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тренер Александр Прут ўзининг шогирди Нормамат билан машқ олиб боряпти. Нормамат устозининг комбинациясига синчиклаб назар солгач, уни амалда бажарди. Буни кўрган Прут сўнгги машққа ўтди.

...1963 йилнинг куз оқшоми. Япониянинг Токио шаҳридаги олимпиада ўйинлари яқинлашиб етиб қолди. Самбочилар эришган натижалар эълон қилинди. Эркин курашда ўзбекистонлик Нормамат грузиялик Жамандзенинг курагини ерга тегизиб бронза медали олди, спорт мастери унвонига сазовор бўлди. Бу муваффақият Нормаматга қанот бахш этди. Унинг самбога бўлган қизиқишини янада оширди...

1969 йилнинг баҳори Нормамат учун бахт ва қувонч фасли бўлиб келди. «Ёшлик» манежида москвалик спорт мастери Гертсман устидан ғолиб чиқди.

Нормамат Қашқадарё области, Китоб районн Пахтаобод совхозининг Карл Маркс колхозидан келиб, шаҳримиздаги жисмоний тарбия институтида ўқиянти. 21 баҳорни кўрган бу йигит юксак спортда чўққилар сари дадил интилмоқда.

Э. ҲАСАНОВ,
Т. ҲАЙИТОВ.

ШАҲАР СОВРИНИ УЧУН

Пойтахтнинг спорт майдонларида шаҳар совринини олиш учун маҳаллий футбол командалари ўртасида қизғин мусобақалар ўтказилади.

Ҳозирги кунларда соврин учун завод, фабрика, қурилиш ташкилотлари ва муассасалар, ўқув юртлари, физкультура коллективлари командалари — ҳаммаси бўлиб 29 команда ўртасида шиддатли жанг давом этаётир.

Завод ва фабрика цехлари командаларининг шу завод ва фабрика биринчилиги учун курашлари жуда қизғин давом этяпти. Биргина «Ташавтомаш» заводининг соврини учун мусобақаларда 20 команда иштирок этди. Барча корхона ва муассасаларда соврин учун кураш кенг тус олмоқда.

30 июлда эса шаҳар соврини учун финал ўйин бўлади.

Чемпионлар аниқланди

Марказий шахматшашка клубида республика мактаб ўқувчиларининг шашка бўйича биринчилиги учун ўтказилган мусобақалар тугади. Бу курашда 9 область спорт чилари ўн кун давомида ўзаро куч синашишди. Самарқанд шаҳридаги 26-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Э. Полосова 11 имкониятдан 10,5 очко олиб, қизлар орасида республика чемпиони бўлди. Иккинчи ўринни андижонлик З. Абдурахмонова, учинчи ва тўртинчи ўринларни наманганлик О. Мирвалиева ва қорақалпогистонлик Г. Абдураимовалар олишди.


Э. Полосованинг синфдоши М. Фозилов эса 11 имкониятдан 11 очко олиб йигитлар орасида чемпион бўлди. Иккинчи ўринни тошкентлик Т. Кухарев, учинчи ўринни хоразмлик С. Авезовлар эгаллашди.

Юз натижали шашка бўйича йигитлар орасидаги беллашувда тошкентлик А. Лиходзевский 11 имкониятдан 10,5 очко олиб ғолиб чиқди. Иккинчи ва учинчи ўрин наманганлик А. Ғафуров ҳамда тошкентлик Е. Пифлакларга насиб қилди.

Мусобақа ғолиблари яқинда Тбилисида бўладиган СССР мактаб ўқувчилари биринчилигида қатнашадилар.

А. ҚУШШАЕВ.





ФОТООБЪЕКТИВДА ЖОНАЖОН ВАТАН

Украина комсомолининг 50 йиллиги шарафига Киев шаҳрида «Автосалон — «ТМ-69» очилиб, унда мамлакатимизнинг турли шаҳарларида автомобиль ҳаваскорлари томонидан тайёрланган машиналар намойиш қилинди.

СУРАТДА: Тбилисидаги 2-таксимотор конторасининг шофёри В. Манукян томонидан тайёрланган «Тбилиси» автомобили.

В. Хухлаев фотоси.

◆

МОСКВА. «Польша Халқ Республикасига 25 йил» юбилей саноат кўргазмаси.

СУРАТДА: томошабинлар «Универсаль» фирмасида.

В. Будан фотоси.

◆

ЛЕНИНГРАД. А. С. Пушкин номли Академик драма театрида В. Лаврентьевнинг «Одам ва глобус» пьесасининг премьераси бўлди.

СУРАТДА: спектаклдан бир кўринши.

Н. Науменко фотоси.



Редактор
С. М. КАРОМАТОВ



СЎНГГИ репетиция куни роса ёмғир қуйди. Ўзинг биласан, мактаб томидан ёмон чакка ўтади. Енгир нак саҳнанинг тепасидан челакдаб қуйгандек бўлди. Ҳаммаёқ ивиб кетди. Полга қаторасига челак, тоғора ва кастрюллар қўйиб чиқдик.

Концерт программасига битта хитойча ракс номери ҳам киритишибди. Ўйинчилар группасида мен ҳам бор эканман. Музика муаллимимиз аллақайси мактабда хитойча ракснн кўриб дилига тугиб қўйган экан, шуни ўйнайдиган бўлдик.

— Ўзимизнинг «Зайбек»ни ўйнасак бўлмайдими?— деб сўрадим ўқитувчидан.

Қачон концерт бўладиган бўлса, нуқул «Зайбек»ни ўйнайсиз, бирор янги нарса кўрсатиш ҳам керак ахир, деган жавобни олдим.

— Бўлмаса биз тенги хитой болалари ҳам концерт қўйганда ўзимизнинг «Зайбек»ка тушишадими?

— Масхаравозлик қилма!— уришиб берди музика муаллими.

Аммо мен «Зайбек»ни ўйнаб турган хитой боласини бир зум тасаввур қилдим-у, мийигимда кулиб қўйдим. Чамамда, хитой болалари ҳам шундай. Хитойча ракснга тушганимизни кўришса борми, роса қийқириб кулишса керагов.

Томдан чакка ўтиб турибди-ю, биз пақир-тоғоралар ўртасида охирги марта репетиция қилиб олдик. Хитойча ракснинг залворидан пол тахталарнинг бели букилиб кетди.

—Бу сенга «Зайбак» эмас, хитойча ракс бўлади, ҳадеб осмонга қараб ирғишлайверма. Хитойликларнинг ўйини оғир-вазмин бўлади, улар кескин ҳаракат қилишмайди, — деди менга танбеҳ бериб музика ўқитувчимиз.

Мумкин қадар салмоқ билан, вазмин ўйинга тушмоқчи бўламан-у, аммо «Зайбек» қон-қонимга сингиб кетгани учун бенхтиёр осмонга сапчиб кетаман.

— Намунча сакрайверасан, Аҳмад. Хитой руҳига мос келмайди бу. Хитойликларнинг ҳаракати майин бўлади.

— Яхши, лекин хитой руҳи менга мос келмаса, нима қилай? Мен бунга ўргатмаган бўлсам...

Музика ўқитувчимиз пионинода жўр бўлиб турди. Биз ракснга тушдик. Яна бир жойга келганда тўсатдан сакраб юборган эдим, ўқитувчи ирғиб ўрнидан турди-да, менга қараб югурди. Йўлда чакка тўла пақирга қоқилиб ағдарилиб тушди. Ҳамма ёғи шалаббо бўлди. Тоза қиёмат кўтарилди. Хуллас, кенга яқин маълум бўлдики, сўнгги репетициямиз муваффақиятли ўтибди.

Концерт куни ҳам етиб келди. Юрагимиз тақа-пуқа бўлиб, парда орқасидан залга мўралаймиз. Тумонат одам йиғилган. Биз саҳнада саф тортиб турибмиз. Ҳаммаси бўлиб эллик боламиз. Синфларимиз ҳам ҳар хил.

Мана, парда очилди. Хор бўлиб, «Мустақиллик марши»ни айтдик. Кейин каттароқ болалар орқага ўтди. Биринчи ва иккинчи синф ўқувчилари «Бугун — йигирма учинчи апрель» деган қўшиқни бошлаб юборишди. Қўшиқ тугагач, залда қарсаклар янграб кетди.

Кейинги айтилган қўшиқ музика ўқитувчисига сира маъқул бўлмади.

—Бу қандай ўзбошимчалик? Нима қилиб қўйдинглар?! Қўшиқни икки киши ижро этиши керак, деб айтмовдимми? Оломон қилиб юборди ларинг-ку!— деб қойиб берди у парда орқасида.

Хитой рақсига навбат келди. Ликопча кўтариб, саҳнага қизлар чиқишди. Эгниларида гулдор юбка билан калта кўйлак. Бизлар ҳам қизлар билан олдинма-кейин саҳнага чиқдик. Қош-кўзимизга кув суртиб, лабимизнинг тепасига қора мўйлов қўндириб олганмиз.

Музика ўқитувчимиз пианинони чала бошлади. Ликопча ушлаган қизлар гоҳ эгилиб, гоҳ туриб орқамиздан ўтиб юришибди. Шу ўртада тўсатдан бир фалокат юз берди. Ўқитувчининг панду-насиҳатлари паккос ёдимдан кўтарилиб, сакраб юборибман шекилли, чириган пол тахтасининг ораси очилиб, ўйинчи қизлардан бирининг этагини қисиб олди. Биз ўлиб-кутулиб муком қилпяпмиз-у, у бўлса этагини тортиш билан овора. Яна бир сакраб кўрай-чи, зора боякишнинг этаги чиқса, деган хаёлда олдига келиб бир сакрадим. Полнинг ораси очилишга очилди-ю, аммо ракқосамиз юбкасини тортиб ололмади. Бечора жонжаҳди билан бир силкинган эди, шир этиб юбкаси тушиб кетди. Бўлди кулги, бўлди кулги.

— Парда! Пардани ёпинг-пар!— деб қичқирди музика ўқитувчимиз сахна ортидан туриб.

Гулдурос қарсаклар остида парда туширилди.

Шундан кейин турли ракслар ўйналди, қўшиқлар айтилди. Энг охири биз қўйган спектаклга навбат келди.

Ўқитувчимизнинг ўзи бизни грим қилиб чиқди. Минг ойсининг эски кийим-бошини кийиб олган эди, нак лилипут компирнинг ўзи бўлди қолди. Ўқитувчи бурнимнинг тагига қуюқ қилиб елим ёпиштиргач, кетмоннинг сопидек ўўғон мўйловни ёпиштириб қўйди. Елимнинг кучи етмай мўйлов тушиб кетди. Устоз яна бир энлик елим суртиб қўйган эди, мўйловим жойига тушди.

Дамирнинг икки бетини елимлаб, устидан пахта ёпиштиришди. Ота ролида чиққанидан кейин соч-соколи оппоқ бўлиши керак эди-да. Гримни бир амаллаб тугатдик. Шу пайт ўқитувчимиз тўсатдан:

— Дамир жуда ёш кўриняпти. Кўзойнак тақиб олмаса бўлмайди, — деб қолди.

Холбуки репетицияларда бу ҳақда гап бўлгани йўқ эди. Шу топда кеёқдан кўз ойнак топиб бўлади?! Ҳайрият, директор жонимизга оро кирди. Кўзойнагини олиб, Дамирга берди.

— Лекин эҳтиёт бўл. тағин синдириб-нетиб қўйма. Агар шу бўлмаса кеч нарсага кўзим ўтмайди. — деди у Дамирни огоҳлантириб.

Кўзойнак Дамирни худди митти чолнинг ўзи қилиб қўйди.

— Вой-бў, кўзим қамашиб кетяпти-ку, кеч нарсани кўрмаяпман. — нолиб қолди Дамир.

Гапи тўғри экан. Парда очилганида сахнага чикмаси деб бошини деворга каттик уриб олди. Орқасидан итариб-суриб бир амаллаб сахнага чиқариб юборишди.

Ҳар қалай спектаклнинг биринчи пардаси анча яхши ўтди. Залда янграган қарсаклар бунинг яккол исботи бўлди.

Иккинчи парда бошланди. Мен онамни яъни Минени саваладб турибман. Отам бўлмиш Дамир менга насиҳат қилиши керак. Бир пайт бундоқ қарасам. Дамир бизни кўрмаяпти. Томошабинларга орқасини ўгириб олиб деворга қараб монолог ўқияпти. Ҳар икки гапнинг бирида:

— Ҳой золим бола, бу нима қилганинг ахир?! Сени шу умидда боқиб катта қилганмидик, а? — деб деворга нола қиляпти.

— Бу ёққа қараб гапир, биз орқангда турибмиз. — секин шивирладим қаршисидан чиқиб.

Мен онамни калтаклаб турганимда Дамир уни кўлимдан кутқариб олиши керак эди. Лекин Дамир яна бизни пайкамади кўзбойлағич ўйнаётган боладай қўли билан пайпаслаб қолди.

— Урма урма онангни! Онага қўл кўтариб бўлмайди, оқпадар! Тўхта дейман! — эшик томонга қараб бақиради у.

Биз ўнг ёғида турибмиз-у, у бўлса чап томонга қараб бўкиради. Зора овозимни эшитиб, биз томонга ўгирилса, деган ниятда кинода кўрганларимни ишга солдим.

— Ҳа-ҳа-ҳа! Ураман! Ураётган бўлсам мен бировниямас, ўз онамни ураман!

Дамир овозимни пайкаб, биз турган томонга ўгирилдию, лекин дарров йўқотиб қўйди.

— Ҳой бола, урма деяпман сенга! Илоҳим онани урган қўлларинг синиб тушсин!

Яна уни бу томонга қаратиш учун ханда отаман:

— Ҳа-ҳа-ҳа!

Хуллас. Дамирдан иш чиқмайдиганга ўхшайди. Бизни топиб олишига кўзим етмай қолди. Ноилож Минени Дамирнинг олдига судраб келдим.

— Ҳой оқпадар дейман...

— Бу томондамиз ота, бизга қараб қўй.

(Давоми бор)

*Зайбек —турк миллий ракси.

(ДАВОМИ. Боши газетанинг ўтган сонларида)

РАДИО

15 ИЮЛЬ
СЕШАНБА

18.00 «Дўстларимиз маслаҳатлари» деган эшиттириш (русча). **18.10** Ўзбек давлат филармонияси хор капелласининг концерти. **18.40** Спорт эшиттириши (Ўзбекча). **19.20** Мукимий ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар. **20.00** «Ёшлик» радиостанциясининг программаси. **20.40** Ёшлар учун концерт. **21.00** Халқаро мавзуларда суҳбат (Ўзбекча). **21.10** Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. **22.20** Лирик қўйлар. **22.40** С. Зунунова. «Қўллар» ҳикояси асосида радиомонсценировка (Ўзбекча). **23.15** Дам олиш концерти.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Адабий концерт. СССР халқ артистлари С. Эшонтўраева ва О. Ҳўжаев иштирок этишади (Ўзбекча). **19.30** Совет Армияси жангчилари учун концерт (русча). **20.00** Далада ишлаётганлар учун концерт (тожикча). **20.30** Қорақалпоқ қўйлари. **20.50** «Иссиқкўлда». Киргизистон радиосининг эшиттириши (Ўзбекча). **21.00** Муса Жалил. «Маобит дафтари» (Ўзбекча). **21.40** Москва.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 Ч. Айтматов. «Жамила» радиопостановкаси (русча).

16 ИЮЛЬ
ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги концерт. **7.40** Енгил қўйлар. **8.25** Пахтакорлар қақида қўшиқлар. **9.30** А. Козловский. Ҳинд поэмаси. **9.50** «Бухоро зардўзлари» (тожикча). **11.15** «Партиянинг кишилар саломатлиги қақида ғамхўрлиги» деган суҳбат (ўзбекча). **11.30** Чолғу асбоблари. Танбур. **13.30** «М. Магомаев куйлайди» деган итальянча қўшиқлар. **15.15** «Қаҳрамонлар ўлмайди». Белоруссия радиосининг эшиттириши (русча). **15.30** «Дўстларимиз қўшиқлари». **16.10** «Ёш композиторлар ижоди». Т. Қурбонов, Р. Вильданов (Ўзбекча). **16.50** «Правда» газетасининг обзори.

18.00 «Бекободлик халқ контролёрлари» деган эшиттириш (русча). **18.10** Воронеж халқ хорининг концерти. **18.40** Спорт эшиттириши (русча) **19.20** Қозоқ қўйлари. **20.00** «Ўзбекистон ишчиси» радиожурнали. **20.30** Саноат ходимлари учун концерт. **21.00** Халқаро мавзуларда суҳбат (Ўзбекча). **21.10** Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. **22.20** Тожикистон ССР халқ артисти Ш. Муллажонова ижросида қўшиқлар. **22.40** «Шеърият кечаси» (Ўзбекча). **23.15** «Қўйлар тинглаб дам оламиз» деган концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Эстрада концерти. **19.00** «Ғазал фожиаси» музикали драмасидан парчалар. **19.30** «Ёшлар ижоди» (русча). **20.00** Шашмақомдан парчалар. **20.30** «Композитор Г. Мушель» деган концерт-очерк. **21.00** «Қардош республикалар адабиёти» (Ўзбекча). **21.40** Москва.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 Татар қўйларидан концерт. **13.30** Р. Тагор. «Почта» спектаклининг монтажи (Ўзбекча). **15.00** «Ленин музика тинглайди» деган суҳбатли концерт (Ўзбекча). **16.00** А. Корнейчук. «Правда» радиопостановкаси (русча).

ТЕЛЕВИЗОР

15 ИЮЛЬ
СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.30 Кўрсатувлар программаси. **18.35** Рус тилида телевизион янгиликлар.

Ўзбек тилида: 18.50 «Қитъалар улуғ Ленинни қутлайди». Адабий композиция. **19.20** Киноленинном а «Ўртоқ Абсолют». **19.45** Телевизион янгиликлар. **20.00** «Сирли монах». Бадиий фильм (рус тилида). **21.45** Вокал квартети қўйлайди.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

22.30 Футбол бўйича СССР кубоги учун чорак финал ўйинлари. «ТОРПЕДО» (Москва) — «СУДОСТРОИТЕЛЬ» (Николаев). **00.15** Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ЎҚУВ КЎРСАТУВЛАР ПРОГРАММАСИ

Ўзбек тилида 18.00 Ўқишга марҳамат! **18.30** Абитуриентлар учун физикадан машғулот.

Рус тилида: 19.00 Абитуриентлар учун математикадан машғулот.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.55 Кўрсатувлар программаси. **20.00** Янгиликлар. **20.15** Фотоҳаваскорлар учун. «Объектив» программаси. **21.30** Беш йиллик йўлларидан. **22.00** «Вақт» информацион программаси. **22.30** Футбол бўйича СССР кубоги учун чорак финал ўйинлари «ТОРПЕДО» (Москва) —«СУДОСТРОИТЕЛЬ» (Николаев). **00.15** Москва кўрсатувларининг охири.

16 ИЮЛЬ
ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 Кўрсатувлар программаси. **18.35** Рус тилида телевизион янгиликлар. **18.45** Болалар учун. «Дўстлик ҳаммадан азиз». Телефильм.

Ўзбек тилида: 19.00 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистка Сабрие Эрадженова концерти. **19.40** Телевизион янгиликлар. **19.55** Кўрсатувлар программаси.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.00 СССРда Польша Халқ Республикаси маданияти кунлари. Польша телевидениесининг программаси. **20.30** Рангли телевидение программаси. **21.30** Интервидение. «Ленин ишаган жойларда». **22.30** СССРда Польша Халқ Республикасининг маданияти кунлари. «Ҳаёт-мамот учун». Кўп серияли телевизион бадиий фильмнинг 9-серияси. **23.30** «Вақт» информацион программаси. **00.15** Дам олиш прогаммаси. **01.15** Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.30 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида: 18.35** «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ёшлигимиз экранда». **19.15** «Ёш қўйлари». Фильм-концерт.

Узбек тилида: 20.40 «Сиҳат-саломатлик». Илмий-оммабоп программа. **21.20** «Сатурн»нинг ҳалокати» Бадиий фильм. **22.40** Созанда — мураббийлар. Аброр ДАДАХЎЖАЕВ.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

Узбек тилида: 20.00 «У ҳамиша йигирма ёшда». Кинофильм. **20.10** Беш йиллик илғорлари.

Рус тилида: 20.25 «Дағистон қиссаси». Ҳужжатли фильм. **20.45** «Ленон Таррос дўстини излайди». Бадиий фильм. **22.20** «Қишлоқ ортидаги ўтлоқзорларда». Музикали телефильм.

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 16|VII да **Фарғона тонг отгунча,** 17|VII да **Икки билагузук.**

Кино

15 ИЮЛДА
ҚИШКИ БИНОДА

Аввал сен ур, Фреди! —«ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» «ВОСТОК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 7.20 минут ва 9 яримда).

Оқ рояль — «ЧАЙКА», НАВОИЙ номли (кечқурун).

Оила жанжали — «МОСКВА», «ДРУЖБА» (кечқурун).

Минг имкониятдан бири — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

(кеч соат 9 ва 10.40 минутда бошланади)

Бўри наъраси — ТЕЛЬМАН номли.

16 ИЮЛДА
ҚИШКИ БИНОДА

Аввал сен ур, Фреди! — «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», «ВОСТОК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 5 ярим, кеч 7.20 минут ва 9.30да).

Оқ рояль — «ЧАЙКА», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Онила жанжали — «МОСКВА», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун) САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11, кундуз 1 ва 3 да).

Минг имкониятдан бири — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 9 ва 10.40 минутда бошланади).

Ярим тунги бўса — ТЕЛЬМАН номли.

ТОШКЕНТ ХЛАДКОМБИНАТИГА

ғайёр маҳсулотлар омбори **омборчилари ва юкчилар, операторлар, секретарь-машинистка, бухгалтерлар, мороженое фабрикаси ишчилари** (хотин-қизлар), **автотранспорт юкчилари**

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Воровский кўчаси, 6ўй (5, 7, 12, 26-автобусларнинг «1-Винзавод» бекати). Телефонлар 66-24-05, 66-24-07, 66-27-09.

«РЕМТОЧМЕХ» КОМБИНАТИДА

ёзув ва электр-ҳисоб машиналари, арифмометрлар ремонти бўйича

УСТАХОНА ОЧИЛДИ

Комбинат юқорида кўрсатилган машиналар ремонти, капитал ва ўртача ремонти, ҳамда уларга хизмат қилиш бўйича **шартномалар тузади ва буюртмалар қабул қилади.**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар 167, Весна кўчаси 223-уй (12-трамвайнинг «145 автобаза» бекати). Телефонлар 11-05-43, 11-



Тошкент оқшоми 4 БЕТ. 15 ИЮЛЬ, 1969 й.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси, 15-уй, Редакция телефонлари: коммутатор —33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар —33-27-22, партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар ҳўжалиги бўлимлари 33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлими 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар, 33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари 33-27-57, саноат, транспорт, қурилиш бўлимлари —33-27-03, ахборот булими—33-65-57, эълонлар бўлими —33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри

ЧАШР 2799. Р. 00392 Индекс 64579